

Убай ибн Каъбнинг танқиди



14:01 / 24.02.2025 1881

Имом Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Ҳасандан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳуга бир оятни қироат қилишини рад қилди. Шунда Убай:

«Батаҳқиқ, мен буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганимда сени «Бақий»даги савдо машғул қилган эди!» деди. Умар розияллоҳу анҳу:

«Рост айтдинг! Мен сизларнинг ичингизда ҳақни айтадиган киши борлигини синамоқчи бўлдим, холос. Ҳузурида ҳақ айтилмайдиган ва ўзи ҳам уни айтмайдиган амирда яхшилик йўқдир», деди».

Агар эътибор берадиган бўлсак, Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳунинг Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга: «Батаҳқиқ, мен буни Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламдан эшитганимда сени «Бақийъ»даги савдо машғул қилган эди!» деб айтган гаплари нафақат раҳбар учун, балки оддий одам учун ҳам ниҳоятда оғир танқид эди. Аммо ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ана шу оғир танқиддан заррача хафа бўлмадилар, аксинча, хурсанд бўлдилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўзларига қарши ҳақни очиқ айтадиган одамлар борлигидан хурсанд бўлганлари учун ҳам яхши амир бўлганлар. У кишининг даврларидаги Ислом жамияти фуқаролари эса яхши фуқаролар бўлганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-сонли тавсияси билан чоп этилган.